Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 20 декабрь, № 247 (5667) Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 1 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»**ги 990–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 518–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 132-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модданинг еттинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференциясида ҳозир бўлиш»;

**учинчи — олтинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи — еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **8-модданинг иккинчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **27-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**27-модда. Сайловолди ташвиқоти**

Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади»;

4) қуйидаги мазмундаги **$27^1$ — $27^4$-моддалар** билан тўлдирилсин:

«**$27^1$-модда. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари**

Сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади:

сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

**$27^2$-модда. Сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш**

Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

(Давоми 2-бетда).

### Парламент эшитуви

*18 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Дастур бажарилишининг бориши тўғрисидаги парламент эшитуви бўлиб ўтди.*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари F. Ибрагимов ахборот берди. Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббусига кўра бу тадбир Дастур бажарилишининг боришини танқидий жиҳатдан таҳлил этиш, Ватанимиз саноатини ривожлантиришнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, мазкур кенг кўламли ишда депутатлар корпусининг фаоллиги ва ролини ошириш мақсадида ўтказилди.

Шу нарса таъкидландики, Дастурда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан саноатда умумий суммаси қарийб 50 миллиард доллар бўлган 500 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, геология ҳамда иссиқлик-энергетика комплексларида, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноатида умумий суммаси 41,8 миллиард доллар бўлган 220 та лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган. Мамлакатимиз саноати ва иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга, жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга, шунингдек, тузилма ташкил этувчи тармоқлар ривожланишига боғлиқлигини камайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Энергетикани, нефть-газ-кимё ҳамда кимё саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш юқори қўшимча қийматга эга ва дунё бозорида талаб кучли бўлган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, саноатга илғор инновацион технологияларни илдам жорий этиш, саноат ички кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳам кўп жиҳатдан ана шунга кўмаклашади.

Чунончи, жорий йилнинг октябрь ойида қиймати 4,33 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 33 та инвестицион лойиҳа, шу жумладан, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясида — 11 лойиҳа, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" ОАЖда — 6 та лойиҳа, "Навоий КМК" давлат корхонасида — 5 та лойиҳа, "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компаниясида — 4 та лойиҳа, "Ўзметкомбинат" ОАЖда — 4 та лойиҳа, "Ўзкимёсаноат" ДАКда — 3 та лойиҳа ниҳоясига етказилди.

Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши газ қувурларининг газ ташиш қувватини йилига 30 миллиард куб метрга, сиқилган газ ишлаб чиқаришни 50 минг тоннага, нефть шламини қайта ишлашни йилига 5 минг тоннага кўпайтириш имконини берди. Электр энергияси ишлаб чиқариш, руда қазиб олиш ва қайта ишлаш кўпайди, объектларнинг инфратузилмаси кенгайтирилди ва модернизация қилинди. Косметика маҳсулоти, галантерея товарлари ва болалар ўйинчоқларининг янги ишлаб чиқаришлари ўзлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

## А. Саковскис: «Ўзбекистонда ҳукм сураётган бағрикенглик, миллатлараро ва эътиқодлараро ҳамжиҳатлик таҳсинга сазовор»

*Латвия парламенти — Сеймнинг Ўзбекистон билан парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳи раиси Александрс Саковскис Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:*

### Дунё нигоҳи

— Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги муваффақиятли тараққиётида замонавий давлат ва жамият шаклланишининг асосий тамойиллари ҳамда меъёрларини ўзида акс эттирган мамлакат Конституцияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мен Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" ва унинг беш тамойили қай тарзда ҳаётга татбиқ этилаётганини узоқ йиллардан буён катта қизиқиш билан кузатиб келаман. Шу ўринда юртингизда барча фуқаролар манфаатларига жавоб берадиган ҳамда дунё мамлакатларининг илғор тажрибасига асосланган кенг миқёсли ислоҳотлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлашни жоиз, деб биламан.

"Ўзбек модели"да ифодаланган иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ҳамда қонун устуворлиги сингари тамойиллар Ўзбекистонда мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганини, шунингдек, ўзбек халқининг мамлакат ҳаётини янада яхшилаш ва юксалтиришга бўлган интилишларини намоён этади.

(Давоми 2-бетда).

Андижон вилояти:

## Миллий ҳунармандчилик ривожи

**бебаҳо анъаналарни асраб-авайлаш ҳамда оилалар фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда**



Халқимизнинг зардўзлик, каштачилик, мискарлик сингари бирибиридан гўзал ва бетакрор миллий маданий қадриятлари бебаҳо хазина сифатида асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳунармандларимизнинг ақл-идроки ва салоҳиятини оламга кўз-кўз қилаётир. Истиқлол йилларида ота-боболаримизнинг мана шундай анъаналарини янгича сайқал асосида давом эттираётган бугунги авлод вакиллари эса ўзларининг мўъжизакор санъат дурдонларини яратмоқдалар.

### Ифтихор

Моҳир уста Дилмуродjон Эшматов — шулардан бири. Андижон шаҳрининг Ёрбоши маҳалласида яшайди. У билан ўтган йилги "Ташаббус" кўрик-танловининг шаҳар босқичида танишганмиз. Ўшанда ҳунарманднинг аккумулятор ёрдамида ўзи тебраниб, ўзи алла айтувчи бешиги иштирокчиларни ҳайратга солган эди.

(Давоми 4-бетда).

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекенгилсаноат" ДАК томонидан ўтказилган анжуман инвестицияларнинг жалб этилиши ва унинг аҳамияти масалаларига бағишланди.

Табирда бугунги кунда компания тизимида 290 та корхона фаолият кўрсатаётгани, тизимда 2015 йилгача бўлган давр ичида 55 та лойиҳа фойдаланишга топширилиши кутилаётгани ва бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида йиғилганларга атрофлича маълумот берилди.

**● Зангиота туманида хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, Тошкент вилояти туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, фаол ва тадбиркор аёллар иштирок этди.**

**Тадбирда 2013 йилда Зангиота тумани хотин-қизлар қўмитаси қошидаги маслаҳат маркази томонидан амалга ошириладиган, жумладан, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича бажариладиган ишлар белгиланди.**

● Пойтахтимиздаги "Эски жўва" бозори ҳудуди яқинида "Шарқ зиё заковат" масъулияти чекланган жамияти томонидан "Китоб маркази" фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган бекиёс ўзгаришлар, китобнинг инсон камолотида тутган ўрни хусусида тўхталдилар. Ҳозир бу ерда 1200 номдаги янги китоблар савдога қўйилган. Улар орасида болалар ва жаҳон адабиёти намуналари ҳамда ўқув дарсликларига, айниқса, талаб катта бўлмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Юксак рағбат масъулияти

*Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланиб, юртимиз тобора обод, турмушимиз янада фаровон бўлиб бормоқда.*

### Дил сўзи

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: "Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади".

Чиндан ҳам, Асосий Қонунимизда белгилаб берилган тамойилларга мувофиқ, амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари барқарор ривожланаяпти. Буни нефть ва газ геологияси соҳасидаги ўзгаришлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Биргина Устюрт кенгликлари ва Орол денгизи ҳудудида геофизика қидирув-тадқиқот ишлари кўлами кенгайтирилгани натижасида муайян ютуқларга эришилаётгани бунинг тасдиғидир. Бунда жамоамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Экспедициямиз таркибига учта дала гуруҳи, тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи гуруҳ ва автотранспорт хизмати гуруҳи бириктирилган бўлиб, улар томонидан Устюрт кенгликларида қидирув ва тадқиқот ишлари самарали олиб борилмоқда. Пировардида 13 жойда ер ости газ конденсати конларининг кўзи очилиб, 2012 йилнинг 11 ойи учун белгиланган иш режамиз 116,5 фоизга уддаланди. Яъни йил бошидан буён нефть ва газ мавжудлиги эҳтимоли бўлган 2 та майдон ўрнига "Жаға", "Қўшқайир", "Fарбий Қуаниш", "Янги Чибини" номли 4 та майдонни тайёрлашга муваффақ бўлдик.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## МАҲСУЛОТ СИФАТЛИ САҚЛАНАДИ

***2012 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимизда***

**44 та янги музлаткич камераси ташкил қилинди.**

Мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлашни янада ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бунёд этилган мазкур иншоотлар жами 13,4 минг тонна сиғимга эга бўлиб, бу аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиш ҳамда баҳор фаслларида сифатли етказиб бериш имконини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг

# ҚОНУНИ

# Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

**$27^{3}$-модда. Сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориш**

Сиёсий партияларга босма, кўргазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шаклларини ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратиб берилади. Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;

ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот.

Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади.

**$27^{4}$-модда. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш**

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

Сайловчилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Уларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакиллари бошқа депутатликка номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли»;

5) **32-модданинг олтинчи қисми** «бошқа стационар даволаш муассасаларида» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **33-модданинг биринчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **38-модданинг матни** «олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **41-модданинг**:

**бешинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **бешинчи — ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек сайлов варақаларини сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

**олтинчи қисми ўн биринчи қисм** деб ҳисоблансин;

9) **65-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»**ги 1050–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 9–10, 134-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг иккинчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **25-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**25-модда. Сайловолди ташвиқоти**

Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади»;

3) қуйидаги мазмундаги **$25^{1}$ — $25^{4}$-моддалар** билан тўлдирилсин:

«**$25^{1}$-модда. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари**

Сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади:

сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

**$25^{2}$-модда. Сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш**

Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

**$25^{3}$-модда. Сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориш**

Сиёсий партияларга босма, кўргазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шаклларини ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратиб берилади. Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;

ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот.

Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади.

**$25^{4}$-модда. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш**

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

Сайловчилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Уларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакиллари бошқа депутатликка номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли»;

4) **29-модданинг олтинчи қисми** «бошқа стационар даволаш муассасаларида» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **30-модданинг биринчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **35-модданинг иккинчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **38-модданинг**:

**бешинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **бешинчи — ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек сайлов варақаларини сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

**олтинчи қисми ўн биринчи қисм** деб ҳисоблансин;

8) **49-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 19 декабрь
№ ЎРҚ—340

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Парламент эшитувларига тайёргарлик кўриш бўйича тасдиқланган режага мувофиқ, Қонунчилик палатаси томонидан тегишли ишчи гуруҳ ташкил этилиб, унинг таркибига ҳукумат, вазирликлар ва идоралар вакиллари киритилди, масалани ўрганиш якунларига доир таҳлилий материаллар тайёрланди.

Парламент эшитувларига тайёргарлик доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 50 дан зиёд учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 1,5 мингдан ортиқ соҳа мутахассислари, экспертлар ва иқтисодчи олимлар, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг, ишбилармон доиралар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қонунчилик палатаси депутатлари геология ҳамда иссиқлик-энергетика комплексларининг, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноатининг бир қатор саноат объектларида бўлдилар. Чунончи, Дастур бажарилишининг ҳолати жойларда: Қорақалпоғистон Республикасида — Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши объектларида; Қашқадарё вилоятида — “Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасида сиқилган газ ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун пропан-бутан қоришмаси ускунаси қурилишида, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қувватларини кенгайтиришда; Навоий вилоятида — “Навоий КМК” давлат корхонаси объектларида, Навоий иссиқлик-электр станциясидаги буғ-газ ускунаси қурилишида, техник кремний ҳамда косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришида; Тошкент вилоятида — “Ўзметкомбинат” ОАЖ, “Олмалиқ КМК” ОАЖ ва бошқа бир қатор корхоналарнинг объектларида ўрганилди.

2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Дастурнинг муҳокамаси жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари Дастурга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан парламент томонидан назорат қилиниши саноатнинг ривожлантирилишини ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш асосида барча саноат комплекслари ва корхоналарининг рақобатдошлигини қонунчилик йўли билан таъминлаш самарадорлигини ошириш имкониятини яратишини таъкидладилар.

Шунингдек, депутатлар Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши муҳимлигини, бунда саноат ички кооперациясини янада ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалаларига, саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари Дастурда: “саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш” — саноатни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланганига эътиборни қаратдилар. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш масалалари билан бевосита боғлиқдир. 2013 йилда мамлакатимизда 972 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланаётганлигини ҳисобга олганда, марказда ва жойларда мазкур Дастурнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш ижро этувчи ҳокимият органларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари саноатни изчил ва инновацион ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлган Дастурни муваффақиятли бажаришда, энг аввало, билимли, замонавий фикрловчи, интеллектуал жиҳатдан ривожланган ва юксак касб тайёргарлигига эга бўлган ёшлар муҳим гаров эканлигини таъкидладилар. Олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейлар, хусусан, машинасозлик, алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги ўқув юртлари битирувчиларининг янада чуқурроқ техник ихтисослашувини таъминлаш муҳимдир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, электр энергияси ишлаб чиқаришда ва муқобил электр манбаларини ривожлантиришда янгиланиб туриладиган технологиялардан фойдаланиш мамлакатимиз саноатини жадал ривожлантиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришга, маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, депутатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфини пасайтириш ҳамда бу соҳада Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари ҳукуматнинг юқори технологияга эга бўлган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш, инновацион, экологик жиҳатдан тоза ва зарарсиз технологияларни жорий этиш соҳасида амалга ошираётган чора-тадбирлари жуда муҳимлигини таъкидладилар. Бунда саноатни модернизация қилиш бўйича лойиҳалар, аввало, минтақаларнинг экологик вазиятини, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Депутатларнинг фикрига кўра, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларининг газ тақсимлагич тармоқларида табиий газнинг чиқиб кетишини камайтириш ҳамда Шимолий Шўртан, Гармистон ва бошқа конларда қоришма газларни утилизация қилиш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши, умуман, атроф-муҳит тозалигини таъминлаш имконини беради. Депутатлар парламент эшитуви якунлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарорини қабул қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**

## А. Саковскис:

# «Ўзбекистонда ҳукм сураётган бағрикенглик, миллатлараро ва эътиқодлараро ҳамжиҳатлик таҳсинга сазовор»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фикримча, Ўзбекистон бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна сифатида хизмат қилади. Жумладан, мамлакатингизда ҳукм сураётган бағрикенглик, миллатлараро ва эътиқодлараро ҳамжиҳатлик таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон бўйлаб сафарим чоғида ўзим бунинг шоҳиди бўлдим.

Мамлакатингизнинг Асосий Қонуни мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятларга мустаҳкам негиз сифатида хизмат қилгани ҳолда, юксалиш ва тараққиёт йўлидаги янгидан-янги зафарларга пойдевор ҳам бўлади.

Ўзбекистон Президенти томонидан таклиф этилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юртингизда юз бераётган ўзгаришларга янгича нигоҳ билан қараш, эришилган муваффақиятларни янада чуқурроқ англаб етиш имконини беришини таъкидлашни истар эдим. Мазкур Концепция Ўзбекистон тараққиёти ва олиб борилаётган ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди. Ўзбекистон ва Латвия парламенти вакиллари ўз фаолияти орқали мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб ўйлайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Конституция қабул қилинганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан қутлаб, фаровонлик ва юксалиш йўлида муваффақиятлар тилайман.

**«Жаҳон» АА.**
Рига

# Юксак рағбат масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда айтиш жоизки, ер ости бойликларимизни ҳамкорликда излаб топишга чет эл компанияларининг ҳам қизиқиши кучаймоқда. Бунинг натижасида “Джел” ва “Ғарбий Орол” конлари очилди. Айни пайтда “Петро-Вьетнам” компанияси томонидан Устюрт кенглигидаги “Коссор” блогида олиб борилган қидирув-бурғилаш, тадқиқот ишлари туфайли “Осиё йўлбарси” қудуғи қошида янги кон очишга тараддуд кўрилмоқда.

Мамлакатимиз Конституциясининг 20 йиллиги шодиёналари арафасида ушбу соҳадаги камтарона хизматим юксак эътироф этилиб, Президентимиз қўлларидан “Фидокорона хизматлари учун” орденини олишга муяссар бўлдим. Бундай беқиёс эътибор ва ғамхўрлик янада яхшироқ ишлашимга руҳлантирмоқда, кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ишончга бундан буён ҳам меҳнат муваффақиятларим билан муносиб жавоб бераман. Зеро, нефть ва газ геологияси соҳаси иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизнинг янада фаровонлашувига хизмат қилади.

**Максет РЕЙМОВ,**
**«Ўзбекгеофизика» ОАЖ**
**«Устюрт геофизика экспедицияси» филиалининг бўлим бошлиғи,**
**«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

## қуйидаги профессор-ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади:

- **Банк иши кафедраси бўйича** — кафедра мудири, профессор.

Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор) номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари ва илмий марказларида таҳсил олган (стажировка ўтган ёки малака оширган) ҳамда илғор хорижий таълим стандартлари ва технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инглиз тилидан педагогик ва илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ва амалий муаммолари ҳамда ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кафедра мудири лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли шахслар иштирок этишлари мумкин.

Профессор лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли ҳамда камида беш йиллик илмий-педагогик стажли кафедра фанлари бўйича таълим тизимида танилган нуфузли дарслик, ўқув қўлланмалари ва ўқув-услубий мажмуалар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

- *ректор номига ариза;*
- *кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
- *диплом ва аттестатлар нусхалари;*
- *илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;*
- *малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.*

***Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ. Орипов кўчаси, 16-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 237-54-53, 237-53-61, 237-54-09.**

2119А/1328

# «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Аукцион савдосига «O'ZSANOATQURILISHBANK» ОАТБнинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги банк улушлари такроран қўйилмоқда:**

| № | Аукционга қўйилган объект | Асосий фаолият йўналиши | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш | Закалат миқдори | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «HAZORASP TA'MIR QURILISH» МЧЖдаги улуш. | Темир-бетон ишлаб чиқариш | Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Мустақиллик кўчаси. | 95,4 фоиз | 1 фоиз | 709 000 000 сўм. |
| 2 | «MEGA-BETON» МЧЖдаги улуш. | Темир-бетон ишлаб чиқариш | Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 1-«А» уй. | 74,2 фоиз | 1 фоиз | 654 000 000 сўм. |

Аукцион савдоси 2013 йил 7 январь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 4 январь куни соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида улушнинг тўлиқ қийматини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

2123А/1442

# «RBS O'zbekiston MB» ёпиқ акциядорлик жамияти кредиторлари диққатига!

«O'zKDB Bank» YoAJ ва «RBS O'zbekiston MB» YoAJ акциядорларининг 2012 йил 7 декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан, «RBS O'zbekiston MB» YoAJ «O'zKDB Bank» YoAJга қўшилиши муносабати билан, кредиторлар жамиятдан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарнинг ўрнини қоплашни мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кечиктирмай қуйидаги манзилга ёзма равишда хабар беришлари мумкин:

**«Royal Bank of Scotland O'zbekiston MB» Yopiq aksiyadorlik jamiyati,**
**Ўзбекистон Республикаси,**
**Тошкент шаҳри, 100084, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77-уй.**

Жамият қайта ташкил этилганидан ва «RBS O'zbekiston MB» YoAJ ҳуқуқ ва мажбуриятлари «O'zKDB Bank» YoAJга ўтганидан кейин, ҳар бир кредиторга мажбуриятларнинг бажарилиши қонун асосида кафолатланади.

# To the Attention of «RBS NB Uzbekistan» CJSC creditors!

According to the decisions of Extraordinary General Meeting of Shareholders of «UzKDB Bank» CJSS and «RBS NB Uzbekistan» CJSC, made on December 7, 2012, on reorganization in the form of joining of «RBS NB Uzbekistan» CJSC to «UzKDB Bank» CJSS, Creditors have right in 30-day period from announcement publishing date to claim termination, performance of all obligation ahead of maturity time and reimbursement of all losses that result from reorganization, through the written request which can be sent to the following address:

**«Royal Bank of Scotland NB Uzbekistan» Closed Joint-Stock Company 77, Nosirov Street, Yunusabad district, 100084, Tashkent, Republic of Uzbekistan.**

Upon reorganization and succession of all rights and obligations of «RBS NB Uzbekistan» CJSC by the «UzKDB Bank» CJSS, our obligations are ensured with respect to all creditors in accordance with Law.

2125R/1480

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Наманган вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**1.** ФИБ Наманган туманлараро судининг 2012 йил 26 январдаги 1-529-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Заркент Текстиль» хусусий фирмасига тегишли, Наманган тумани «Ирвадон» ҚФЙ, «Шишаки» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 899,71 кв.м., фойдаланиш майдони 1489,92 кв.м. бўлган маъмурий ва бошқа бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 752 834 000 сўм.***

**2.** Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 9 февралдаги 16-1103/18670-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қурилиш эффект мед сервис» МЧЖга тегишли, Наманган тумани, «Миришкор» ҚФЙ, «Юқори Ровустон» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 9445 кв.м., фойдаланиш майдони 1331,49 кв.м.дан иборат бўлган «Нотўқимачи матолар ишлаб чиқариш цехи» ва уч турдаги моддий қимматликлар (сув сақлаш цистернаси, металл эритгич печи, трансформатор ГКТП) мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 307 703 463 сўм.***

*Аукцион савдоси 2013 йил 7 январь куни соат 11.00 да Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қаватда «KMSX» МЧЖнинг Наманган вилояти филиалида бўлиб ўтади.*

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

***Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2013 йил 4 январь куни соат 18.00.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»нинг Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО:00223, СТИР:207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

2131А/1441

*Лицензия: RR-0001.*

# «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ

## Сурхондарё вилояти филиали

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

2013 йил 22 январь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

ФИБ Қумқўрғон тумани судининг 2011 йил 7 апрелдаги 1-341-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ОАТБ «Агробанк» Термиз шаҳар филиалида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган «МАТИЗ BEST» русумли, давлат рақами 75 S 240 AA, бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм; ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2012 йил 5 июлдаги 1-66-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС» русумли, давлат рақами 75 S 091 AA, носоз, бошланғич баҳоси — 5 663 616 сўм; ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2012 йил 11 сентябрдаги 1-132-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Рабатак» ҚФЙ, «Қизириқ Агротехсервис» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС VAN» русумли, давлат рақами 75 034 FAA, бошланғич баҳоси — 13 950 000 сўм, Қизириқ тумани ИИБ ҳовлисида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «ГБАСНГ МАТИЗ» русумли, давлат рақами 75 E 657 AA, бошланғич баҳоси — 12 600 000 сўм. Қизириқ тумани ИИБ ҳовлисида сақланаётган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган «Т-28Х4 МС1» русумли трактор, давлат рақами 16 69 ЕЖ, бошланғич баҳоси — 4 950 000 сўм. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 7 октябрдаги 19-1103/11822-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар «Ипотека-банк»ида сақланаётган, «ТТЗ-80.11» русумли трактор, бошланғич баҳоси — 21 955 000 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдоси Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уйда ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 18 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг ўн фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО 01063, СТИР 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил:**
**Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази». Телефон: (+99898) 100-86-86.**

2133R/870

***Гувоҳнома № 004059.***


# САНОАТ КОРХОНАСИ



**нoстандарт жиҳозларни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадасини,**

**шунингдек, умумий қурилиш ишлари бўйича иш юритувчи (прораб)ларни,**

**электргаз пайвандчиларни ва умумий қурилиш ишчиларини**

**доимий ишга таклиф қилади.**

- **Иш ҳақи — ишбай, тўлов ўз вақтида амалга оширилади.**
- **Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.**
- **Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.**

**Мулоқот учун телефонлар:**
**(8-371) 241-10-81, 241-29-94, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.**

**Ўзингиз ҳақингизда маълумотларни қуйидаги электрон манзилга жўнатишингиз мумкин: d_kolov @ mail.ru**

1975А/1346

# «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

# POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

**Micros®**
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***
- **савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);**
- **бутик, ноозиқ-овқатлар савдоси;**
- **ресторанлар, кафе, барлар;**
- **фитнес-клублар, бильярд хоналар, боулинг ва бошқалар.**

**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.**

**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

**- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.**

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

1817R/770

# ТАРОЗИЛАР

**Micros®** Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

**0,0001 гр.дан 250 тоннагача**

**CAS** Корпорацияси (Жанубий Корея)

**МАССА-К** Акциядорлик жамияти



**ИЖАРАГА**
**кран тарозилари бор**

**Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис**

1815R/770

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50;
- Тойтепа к., 5 ( Мўлжал — давлат поликлиникаси), тел.: (+99871) 232-06-61.

www.micros.uz
e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz


Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси Девоннинг масъул ходими Турахужаев Халилилло Собиржоновичга отаси

**Собир ТУРАХУЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ўзбек тили кафедраси доценти Дурдона Расулмуҳамедовага падари бузруквори

**Тўлқинжон ШУКУРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Травматология ва ортопедия ИТИ жамоаси институт кутубхонаси мудираси

**Раиса Михайловна ЦАРЁВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Андижон вилояти:

# Миллий ҳунармандчилик ривожи

### бебаҳо анъаналарни асраб-авайлаш ҳамда оилалар фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Оилавий тадбиркорларнинг ўзбек хонадони кўрки ҳисобланмиш мазкур такомиллаштирилган бешик намунаси бугун кўпчиликка манзур бўлмоқда. Чунки у — жуда ихчам. Битта жомадонга жойласа бўлади. Бу узоқ сафарга олиб юриш учун, айниқса, қулай.

Дилмуроджон Эшматов, мана, ўн саккиз йилдирки, бешикчилик билан шуғулланади. Айни чоғда Андижон туманидаги 14-мактабда меҳнат таълими фанидан сабоқ бераётган устанинг мебелсозликка иштиёқи баланд, ўттиздан ортиқ шогирди бор. Азму шижоатини, иқтидорини ҳунарига йўналтирган бу ёш усталар тебранувчи каравот, беланчак, мўъжаз диван сингари рўзғорбоп буюмлар тайёрлашни ҳам пухта ўзлаштириб олишган.

Дарҳақиқат, Андижон — ҳунармандлар маскани. Мискарлик, чилангарлик, ёғочсозлик мактабини яратган ҳунармандлар юртимиз довруғини дунёга таратмоқда. Масалан, бугунги кунда Андижон шаҳридаги "Ғижжаки Бобурий" корхонасида ясалаётган мусиқа асбоблари водий вилоятларида маълум ва машҳур. Бу ерда моҳир уста Абдумалик Мадраҳимов (биринчи бетдаги суратга қаранг) ўнлаб шогирдларига ушбу ҳунар сирларини ўргатмоқда. Шаҳрихон пичоғини эса МДҲ мамлакатларидан ташқари, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Саудия Арабистони сингари давлатларда ҳам яхши билишади. Бундан ташқари, бизнинг ҳунармандларимиз қўлида сайқал топган турли буюмлар дунёнинг энг машҳур музейларини ҳам безаб турибди.

— Кулоллар сулоласининг ўн тўртинчи авлодиман, — дейди Мирзабаҳром Абдуваҳобов биз билан суҳбатда. — Бугун ҳунаримни ўғилларим, набираларимга ҳам ўргатаяпман. Хусусан, тўнғич ўғлим халқ амалий санъати йўналиши бўйича мутахассис бўлса, ўртанчаси гулчиликни йўлга қўйган. Кенжа ўғлим эса кулоллик мактабини яратиш ниятида.

Дарвоқе, Мирзабаҳром ака 1995 йили ЮНЕСКОнинг махсус сертификатини қўлга киритган. Шу боис эндиликда унга ёшларни ўқитиш бўйича хориж давлатларидан ҳам таклифлар тушмоқда.

Вилоятда Мирзабаҳром Абдуваҳобов каби уста-кулоллар талайгина. Пахтаободлик Қутбиддин Турдиев, Мирзажон Қамбаров, асакалик Маннобжон Акбаралиев, шаҳрихонлик Абдуманноб Тиллақуловни шулар жумласига киритиш мумкин.

Айтишларича, оддий сопол товоқда таом ейиш фойдали экан. Зеро, бундай идишларнинг энг олий баҳоси тупроқ таркибидаги маъданли бирикмалар, минераллар билан боғлиқ. Мисдан ясалган идишлар эса камқувватлик ва камқонликка даво бўларкан. Мана шунинг ўзиёқ ота-боболаримиз бизга туганмас бойлик қолдирганлигидан далолат эмасми?

Ҳунар — хазина. Миллий қадриятларимизнинг бебаҳо дурдоналарини ўзида жамлаган ушбу хазина эндиликда халқимизнинг маънавий мулкига айланиб, ушбу касбнинг қадри ортмоқда. Довруғи оламга ёйилмоқда. Бундай ўлмас меросимизнинг эъзоз топишида эса андижонлик ўн мингдан зиёд ёш ҳунармандларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш

### мавсумий тадбир эмас

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, мамлакатимизда ўтказилаётган "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

## Жараён

Ойлик доирасида, аввало, тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, маҳаллалар, йирик корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилди. Бундан кўзланган мақсад фуқароларнинг ёнғинларга қарши курашишдаги фаол иштирокини таъминлашдир.

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирлари мамлакатимизда жорий йилнинг 20 ноябридан бошланган эди. Ана шу санадан кейинги ўтган давр мобайнида 27 мингдан зиёд корхона, хўжалик ва ташкилот, шунингдек, 2 миллион 800 мингга яқин аҳоли тураржойларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди. Ушбу жараёнда 3 миллион 534 минг нафар ишчи-хизматчи ва фуқаролар билан қатор учрашув ҳамда суҳбатлар уюштирилди, 51 мингдан ортиқ ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил қилинди.

Профилактик тадбирлар асносида корхона ва ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ 821 мингта камчилик аниқланиб, уларнинг 84,5 фоизи бартараф этилди. Жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий ва интизомий жазо чоралари қўлланилди. Булардан ташқари, 40 мингга яқин носоз электр мосламалари, агрегат ҳамда электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди.

Ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид камчиликларни кўп вақтдан бери бажармай келаётган 5400 нафар раҳбар шахс муҳокама қилиниб, 1701 нафарига таъсир чоралари кўрилди.

Аҳолининг куз-қиш мавсумида иситиш мосламаларидан тўғри фойдаланиши, уларнинг соз ёки носозлигини аниқлаш, ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий газ ва электр таъминоти корхонаси вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллалардаги барча аҳоли уйларидаги иситиш тизимлари текширилиб, ёнғинга қарши йўриқномалар ўтказилди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мавсумий иш эмас. Белгиланган қоидаларга сўзсиз риоя этиш, келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш доимий масъулият талаб қиладиган вазифадир. Шундай экан, ана шу масъулиятни дилдан ҳис қилиб, сиз нафақат давлат ва шахсий мол-мулкингизни асраб қолган, айни пайтда инсонлар хавфсизлигини ҳам таъминлаган бўласиз.

**Анвар ХУДАЙҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси катта муҳандиси, майор.**

# Янгийўлда янги шифохона

*Янгийўл туманидаги Сангтепа маҳалласида замонавий қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилгач, ҳудудда истиқомат қилаётган қарийб 14 минг нафар аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайди.*

## Саломатлик

Бу ерда бюджет маблағлари ҳисобидан 500 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилди. Шунингдек, муассаса "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида замонавий ташхис ва даволаш анжомлари билан ҳам таъминланди.

Мазкур муассаса жорий йил вилоятда бунёд этилган еттинчи қишлоқ врачлик пунктидир.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**


● Реклама ва эълонлар ●

Вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОРГОВО-ПРОМЫШЛЕННАЯ ПАЛАТА УЗБЕКИСТАНА
ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
MIKROKREDITBANK

2012 йил 22 декабрь куни соат 9.00 да 2012/2013 ўқув йили битирувчилари учун

«КАРЬЕРА КУНИ»ни

ўтказадилар.



Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари бўйича университет битирувчиларининг махсус, касбий ва малакавий билимлари, қобилиятлари ҳамда малакалари тақдимоти;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий ва қўшма корхоналар билан университетнинг 2012/2013 ўқув йили битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича музокаралар олиб бориш;
- ўқув режаларига асосан, ўқитувчилар, талабалар ва магистрларнинг, шунингдек, компаниялар ва талабаларнинг ўз ташаббуслари билан йўналишлар, дастурлар, малакавий амалиётлар мавзулари, стажировкаларини корхоналар ҳамда ташкилотларда ўтказишни муҳокама қилиш;
- кадрларга буюртма берганлар билан университет ўртасида аниқ интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари, фундаментал ва илмий маҳсулотлар тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш;
- иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан бакалавриат ҳамда магистратура битирувчилари ўртасида ишга жойлаш бўйича тўғридан-тўғри узоқ муддатга мўлжалланган алоқалар ўрнатиш ва шартномалар тузиш.

Тадбир ўтказиладиган манзил:
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, бош ўқув биноси.
Маълумот олиш учун маркетинг бўлими телефони: (+99871) 239-28-77.

2132А/1461



Барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги — 2013 йил — Обод турмуш йили билан чин қалбдан самимий табриклаймиз!

Янги йил ҳар соҳада янада баракали келсин.
Мамлакатимиз тинч, хонадонлар фаровон бўлсин.
Эл-юрт тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз бароридан келсин!



«Тахиатош нефть базаси» унитар корхонаси жамоаси



FIAT INDUSTRIAL

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

NEW HOLLAND AGRICULTURE



E 215



TL 100
100 л.с.

Итальянча сифат

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.

240R/98



СОТАМИЗ:

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.

Буюртма бўйича.
* Маҳсулот сертификатланган.

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

836R/566



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz


## ОБ-ҲАВО

(20 декабрь)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -15 -20 | -8 -13 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | -10 -15 | -1 -6 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | -5 -10 | -1 -6 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | -3 -8 | 0 -5 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -5 -10 | -1 -6 |
| Тошкент шаҳрида | -8 -10 | -3 -5 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 58 889 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5